



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№2 (955)

2026 йил 20 январь, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш 15-31 январь кунлари махсус ахборот тизими орқали, 4-28 февраль кунлари "маҳалла еттилиги" ходимлари томонидан уйма-уй юриб амалга оширилади.



2026 йилда қурилиш соҳаси қандай ривожланади?

Саидносир УСМОНОВ,
Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари.



Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилган тизимли ислохотлар мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсиш траекториясига олиб чиқди.

Жорий йилда ҳам давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган стратегия, дастур ва устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ўз олдига кўплаб истиқболли режа ҳамда мақсадларни белгилаб олган.

Хусусан, бу йил 154 та аҳоли пунктининг шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқиши режалаштирилган. "Шаффоф қурилиш" тизимида "Рақамли шаҳарсозлик кенгаши" платформи ишга туширилади. Қурилишда меъёр ва стандартлар асосида 158 та техник-норматив

ҳужжат тайёрланади. Соҳада давлат хизматларини кўрсатишга оид бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инсон омилини қисқартириш мақсадида маъмурий регламентлар такомиллаштирилади.

"Шаффоф қурилиш" тизимида сунъий интеллект жорий этилади

Жумладан, жорий йилдан ҳудудий Архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари фаолияти рақамлаштирилади ва тизимда кенгаш аъзоларининг кабинети очилади. "Шаффоф қурилиш" тизимида мижозларни онлайн электрон қўллаб-қувватлаш жараёнига сунъий интеллект жорий этилади. Ушбу лойиҳа "Шаффоф қурилиш" тизими орқали келиб тушаётган мурожаатларни сунъий интеллект ёрдамида автоматик тарзда ўқиш, мазмунини таҳлил қилиш ва тоифалашни кўзда тутати. Қолаверса, бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш ҳам сунъий интеллект ёрдамида автоматлаштирилади.



▲ Янги Ўзбекистонимизда яратилаётган янги иншоотлар



▲ Тadbiridan lavha

Коррупцияга қарши самарали қалқон

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш шунчаки шиор эмас, балки давлат сиёсатининг устувор йўналишидан биридир.

Абдужаббор АЛИҚУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бугунги кунда давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофлик масаласи жамият тараққиётининг муҳим мезонига айланиб бормоқда. Айниқса, коррупцион хатарлар юқори бўлган соҳаларда рақамлаштириш ва институционал ислохотлар ҳаётий зарурат сифатида намоён бўлмоқда.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва кенг жамоатчилик иштирокида ўтказилган кенг қамровли тақдимот ушбу йўналишдаги тизимли ёндашувнинг амалий ифодасига айланган.

Тадбир доирасида вазирлик фаолиятида коррупцияга қарши курашиш, давлат хизмат-

ларини рақамлаштириш ҳамда бошқарувда очиқликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар жамоатчилиikka намоиш этилди.

"Янги Тошкент" ҳудудида барпо этилган замонавий модул бино нафақат инфратузилмавий янгиланиш, балки бошқарув маданиятидаги янги босқич рами сифатида эътироф этилди. Умумий 1,4 гектар майдонда жойлашган иншоот 4+1 блокдан иборат бўлган замонавий мажмуа вазирлик тизимидаги ташиқлотларни бир нуқтада жамлаган. Бу ерда жорий этилган "Open space" тизими эса қарор қабул қилишдаги ёпиқликни бартараф этишга хизмат қилмоқда.

Ушбу бошқарув модели қарор қабул қилишда очиқликни таъминлаш, жамоавий масъулиятни ошириш ва бюрократик масофани қисқартиришга хизмат қилмоқда. Бу эса, коррупцияга қарши кураш фақат технология эмас, балки бошқарув маданияти масаласи эканини яна бир бор исботлайди.



ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ 2026 йилда

1. Режалаштирилган ишлар

- 41 та маънан эскирган қозон агрегатларини замонавий қозонларга алмаштириш
- 74 та автоматик частота ўзгартиргич
- 3 830 kVAR қувватдаги конденсатор қурилмалари
- 288 донна ақли иссиқлик ҳисоблагич
- 18 та насос станцияси
- 114 та ИИП ишга туширилади

2. Молиявий талаб

- Ушбу ишларни амалга ошириш учун 70 миллиард сўм талаб этилади

3. Иқтисодий самара

- 5 миллион 594 минг м³ табиий газ
- 1 миллион 903 кВт/соат электр энергия иқтисод қилинади

4. Қуёш энергияси

- 1241 кВт қуёш фотоэлектр станциялари,
- 40 кВт қувватли 21 та сув иситгич,
- 327 та қуёш батареяларида ишловчи ташқи ёритиш чирогини ўрнатиш режалаштирилган.



Ҳаво сифати ҳамон ёмонми?



Сўнгги кунларда мамлакатимизда ҳарорат инверцияси билан боғлиқ ноқулай метеорологик шароитлар оқибатида ҳаво сифатининг пасайиши кузатишмоқда. Ҳолат юзасидан Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси ўринбосари Искандар Кутбиддинов маълумот берди.

Ушбу ҳодиса кундузги ва кечки ҳаво ҳароратининг айрим ҳолларда 14 градусгача кескин фарқ қилиши, туман тушиши, шамол тезлигини пасайиши натижасида ифлослантирувчи моддаларнинг атмосфера ҳавосида тарқалишини қийинлаштирмоқда. Таъкидлашнича, Махсус комиссия ўз фаолиятини тўхтатгани йўқ. Экологик ҳолат юзасидан аҳолига мунтазам ахборот бериш билан бирга тегишли ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирмоқда.

Бугунги кунда Махсус комиссиянинг эътибори саноат ва хўжалик объектларида экологик рейдлар ва назорат тадбирларига қаратилган. Ноқулай об-ҳаво шароитида атмосфера ҳавосига антропоген (яъни, инсоний фаолият)-

нинг юкласини камайтириш учун корхоналарнинг қувватлари чекланмоқда ва айримларининг фаолияти тўхтатилмоқда. 1-7 январь кунлари Тошкент шаҳридаги 12 та ва Тошкент вилоятидаги 22 та ишлаб чиқариш корхонасида текширувлар ўтказилди ҳамда таъсирчан чоралар кўрилди. Атмосфера ҳавосини ифлослантирган ўнлаб автотранспорт воситаларига нисбатан маъмурий чоралар қўлланилди.

Шу билан бирга, профилактик чоралар ҳам амалга оширилмоқда: ташлама манбалари устидан мониторинг кучайтирилди, атмосфера ҳавоси сифати тезкор баҳолаб борилмоқда. Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, ноқулай метеорологик шароитлар антициклонлар келиши натижасида ёгингарчилик ёғиши ва шамол тезлиги ошиши билан барҳам топади.

Ҳарорат инверцияси қисқа муддатли ва олдиндан прогноз қилинадиган метеорологик ҳодиса бўлиб, бу даврда давлат ташкилотлари кучайтирилган режимда иш олиб боради ва ифлосланишни юмшатиш учун синовдан ўтган чора-тадбирлар амалга оширилади. Махсус комиссия томонидан экологик рейдлар ва мониторинг тадбирлари инверсия якунлангач ҳам давом эттирилади. Қўрилаётган барча чоралар юзага келган хавфларни минималлаштириш ҳамда аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Ўз мухбиримиз.

uzbunyodkor.uz

info@uzbunyodkor.uz

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkor

uzbunyodkor



2026 йилда қурилиш соҳаси қандай ривожланади?

➔ 1 “Қурилиш ресурслари миллий классификатори” электрон платформаси – қурилиш материалларини стандартлар асосида гуруҳ ва бўлимларга таснифлаган ҳолда ҳар бирининг алоҳида кодланиши ва номланишини ўз ичига олган, нархлар акс этган электрон платформа ҳисобланади. Ҳозирда мазкур платформа базасида 206 367 та қурилиш ресурсининг индивидуал кодлари шакллантирилди. Жорий йилда шунингдек, рақамли смета модули ишлаб чиқилади ҳамда Нуқус ва Қарши шаҳарларида автоматик шаҳарсозлик талаблари механизмлари эксперимент тарикасида жорий этилади.

Лойиҳа институтлари фаолияти рақамлаштирилади

Хабарингиз бор, лойиҳалаш топшириқларини ишлаб чиқиш ва келишиш бўйича электрон платформа (lt.shaffofqurilish.uz) яратилган бўлиб, унда лойиҳалаш топшириғини шакллантириш тизими рақамлаштирилади. Бунда, бюртмачи томонидан платформага электрон рақамли имзо ёрдамида кириш орқали керакли объектнинг лойиҳа топшириғини шакллантириш имконияти яратилади. Натижада республикадаги барча бюртмачилар ягона намуна асосида лойиҳа топшириқларини яратди ҳамда лойиҳачилар зиммасига ортиқча юктамалар юклатилишига чек қўйилади. Шунингдек, жорий йилда бош лойиҳа институтларининг фаолиятини рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланади. Биринчи босқичда намуна сифатида “Қишлоққурилишлойиҳа” институтининг фаолиятини рақамлаштириш бўйича янги тизим жорий қилинади. Лойиҳа-тадқиқот ишларини амал-

га ошириш сифатини тубдан такомиллаштириш ва ягона ёндашувни жорий этиш бўйича Ҳукумат қарор лойиҳаси ишлаб чиқилади. 1 та умумтаълим мактаби, 2 та мактабгача таълим ташкилоти, 4 та соғлиқни сақлаш муассасасининг намунавий лойиҳалари яратилади.

Коммунал соҳада ҳам ўзгаришлар катта

Соҳада иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш бўйича ҳам изчил чоралар қўрилади. Дастурлар доирасида 25 та қозонхона, 301 километр иссиқлик тармоқлари қурилади ва реконструкция қилинади. Натижада 56 мингга яқин хонадонли 1 200 та кўп қаватли уй ҳамда 97 та ижтимоий соҳа ва бошқа объектларда иссиқлик таъминоти яхшиланади. Хусусан, Саудия Арабистонининг “Saudi Tabreed” компанияси томонидан Нуқус шаҳридаги РК-1 иссиқлик марказида лойиҳа қиймати 20,3 миллион доллар бўлган 21,6 МВт электр ва 53 Гкал иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш қувватига эга когенерация технологияларини жорий этиши бўйича келишув имзоланди. Лойиҳани амалга ошириш натижасида 145 та кўп квартирали уй ва 31 та ижтимоий соҳа объекти иссиқлик энергияси билан таъминланиши кўзда тутилган. Бундан ташқари, кўп квартирали уйлarning техник ҳолати, ер участкалари, энергия ва сув истеъмоли бўйича маълумотларни қамраб оладиган “Турар жой” миллий ахборот тизими босқичма-босқич ишга туширилади. Бошқарув ташкилотлари маблаглари ҳисобидан 6 мингдан ортиқ уйлар жорий ва мукамал таъмирланиб, кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларда 200 мингдан ортиқ дарахт ва бута кўчатлари экилади. 405 та кўп квартирали уйнинг 384 минг квадрат метр фасад қисми иссиқлик тежовчи материаллар билан қопланди.



▼ Юртимизда барпо этилаётган замонавий уйлар



Шунингдек, кўп қаватли уйларда 750 та лифт ускунасини янгилаш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Шаҳарсозлик хужжатларини экспертиза қилиш доирасида тахминан 22 мингта лойиҳа экспертизадан ўтказилиши режалаштирилган. Давлат ижтимоий бюртма лойиҳалари асосида аҳоли яшаш пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун 2026 йилда ижти-

моний ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириши дастури доирасида ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблаглари ҳисобидан 60 миллиард сўм ажратилган. Ушбу маблаглар эвасига 13 та объектда 176 километр ичимлик сув тармоқлари тортиш ҳамда 13 та ичимлик сув иншоотларини қуриш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. Натижада 8770 хонадонда истиқомат қилувчи 45

минг аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш ва ушбу ҳудудлардаги 16 та мактаб, 16 та боғча ва 9 та қишлоқ врачлик пункти хизмат кўрсатиши режалаштирилган.

140 мингта хонадондан иборат кўп квартирали уй барпо этилади

Аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, уй-жойлар қурилишини демографик ва урбанизация жараёнлари билан ўзвий боғлиқ ҳолда амалга ошириш мақсадида жорий йилда 140 мингта хонадондан иборат кўп квартирали уйлар қурилиши режалаштирилган. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига асосан жорий йилда жами 23,9 триллион сўм маблаг ҳисобига 1 708 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириши белгиланди. Дастурдаги ҳар бир объектнинг лойиҳасмета хужжатларини ишлаб чиқишдан фойдаланишга топширишгача бўлган барча босқичлари “Шаффоф қурилиш” тизими орқали доимий мониторинг қилиб борилади.



▲ Тадбир жараёнидан.

Коррупцияга қарши самарали қалқон

➔ 1 – Кейинги йилларда соҳада коррупцияга қарши курашиш, шаффофликни таъминлаш ва рақамли бошқарув тизимларини жорий этиш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда, – деди қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Озода Жўраева. – Шундай экан, давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилини қисқартриш ҳамда қарор қабул қилишда адолат ва холислик таъмоийилларини мустаҳкамлаш устувор вазифамиздир. Президентимиз таъкидлаганидек, “Коррупцияга қарши бутун жамоатчилик билан курашимиз зарур”.

“Шаффоф қурилиш” – инсон омилисиз бошқарув сари

Тақдимотнинг марказий нуқталаридан бири “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими бўлди. Бугунги кунда ушбу платформа орқали 24 турдаги давлат хизмати тўлиқ рақамлаштирилгани, фойдаланувчилар сонини эса 2,2 миллиондан ошгани тизимга бўлган ишонч ва эҳтиёж ортиб бораётганидан далолат беради. Энг муҳими, лицензиялаш, рухсатнома бериш ва лойиҳа-смета хужжатларини келишиш жараёнларида инсон омилининг кескин камайиши коррупциявий хавфларни бартараф

этишда муҳим қадам бўлди. Шунингдек, ахборот тизимининг Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд ва Кадастр агентлиги билан интеграция қилиниши эса маълумотлар алмашинувини тезлаштириб, бюрократик тўсиқларни қисқартирди. Бу ҳолат давлат бошқарувида “ёпиқ эшиклар ортидаги қарорлар” даври ортда қолганини кўрсатиши билан бир қаторда, маълумотларни сохталаштириш имконини нолга туширади. – Мамлакатимиз раҳбарининг тегишли фармони асосида агентликда ёпиқ қарор ва фармойишларни очиб ўрганиш имконияти яратилди, – деди Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бошқарма бошлиғи Қахрамон Ниёзхўжаев. – Ҳар бир вилоятда ўзига тегишли ҳудуддан келиб чиқиб, яширин қарор ва фармойишлари мавжудлиги аниқланган. Мисол учун, Тошкент шаҳри ҳамда Хоразм ва Самарқанд вилоятларида бу тенденция бошқа вилоятларга нисбатан юқорилигини кузатишимиз мумкин. Ва албатта, қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда бевоқиф ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши таъминланади.

Рақамлар ортидаги реал натижа

Тақдимотда қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ўтказиш платформаси ҳақида ҳам маълумот берилди.

Қайд этилганидек, электрон давлат харидлари платформаси орқали 66,3 триллион сўмлик тендерлар ўтказилиб, 3,27 триллион сўм маблаг тежалганини оддий статистика сифатида эмас, балки самарали бошқарув натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Шунингдек, коммунал соҳадаги тизимли муаммолар ечими сифатида тақдим этилган “Менинг уйим” биллинг тизими аллақачон ўз самарасини бермоқда.

Ислохотларнинг халқаро эътирофи

Вазирлик фаолиятининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO 37001:2016 халқаро стандартига мувофиқ деб топилгани халқаро ҳамжамиятнинг ишончидан далолат беради. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ички назорат тизими самарадорлиги 2024 йилдаги 71 баллдан 2025 йил якунида 86 баллга кўтарилган.

Бундан ташқари, 2025 йил давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида тизимли ва изчил ишлар амалга оширилди. Хусусан, ўтган йил мобайнида 136 та семинар-тренинг ташкил этилиб, уларда давлат ташкилотлари ва муассасалар ходимларининг ҳуқуқий онгли ва масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, 491 нафар ходим Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясида махсус ўқув курсларини муваффақиятли якунлаб, соҳадаги замонавий ёндашувлар ва илгор тажрибалар билан яқиндан танишиди. Бу савий-ҳаракатлар жорий йилда янада кенг қамровда давом эттирилиши режалаштирилган. Жумладан, 2026 йилда 1700 нафар ходимни коррупцияга қарши курашишга оид билим ва кўникмалар билан қамраб олиш, уларнинг касбий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсад қилинган. Бу эса, жамиятда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш йўлидаги муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда. – Эндиликда илгари мавжуд бўлмаган янги механизмлар, тизимлар ва ташаббуслар илгари сурилмоқда, – деди Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бош мутахассиси Мироншоҳ Расулов. – Хусусан, барча давлат органлари ва ташкилотларида миллий сертификатлаштириш менежмент тизимини йўлга қўйилиши шулар жумласидандир. Сертификатлаштириш тизими биринчи навбатда коррупцияга қарши курашишлар самарадорлиги рейтинг баҳолаш натижаларига кўра қониқарсиз деб баҳоланган давлат органлари ва ташкилотларида йўлга қўйилади. Ушбу тизим 2030 йилгача барча давлат органлари ва ташкилотларида жорий этилади. Яқиний мулоҳаза шунини кўрсатадики, мазкур тадбир оддий ҳисобот йиғилиши эмас, балки давлат бошқарувида очиқлик, рақамлаштириш ва жамоатчилик назорати уйғунлашаётганининг амалий кўриниши бўлди. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган рақамли ислохотлар ва очиқ бошқарув механизмлари коррупцияга қарши курашда муҳим бурилиш ясамоқда.

Ёшларга ғамхўрлик

Президентимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани Фофур Фулом номи маҳаллада замонавий талабларга жавоб берадиган ёшларнинг билим олиши, ижод қилиши ва спорт билан шуғуллиниши учун барча шароитларга эга бўлган “Ёшлар шаҳарчаси” барпо этилди.

Нигора НОЗИМЖОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

10 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган ушбу мажмуада 10 мингдан ортиқ ёшлар илм, ижод, спорт ва тадбиркорлик соҳаларида ўз салоҳиятини намоён этиш имкониятига эга. Айниқса, янги 2026 йил арафасида ушбу шаҳарча ёшлар ихтиёрига топширилиши Президентимиз томонидан Дўстлик тумани ёшларига билдирилган юксак ишонч ва катта эътиборнинг амалий ифодасидир. Шаҳарчада бунёд этилган ҳар бир иншоотнинг асосий мақсади ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг орзу-умидлари ва интилишларига қанот бағишлашдир. Жумладан, Ренессанслар мажмуасида Ал-Хоразмий, Абу наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек,

Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимиз тимсоллари мужасам этилган. Ёшлар учун инновацион майдонини саналган IT парк бугунги тараққиётнинг ҳақиқий юрағи десак муболага бўлмайди. Бу ерда ёшлар дастурлар, роботтехника, график дизайн, спорт, хорижий тилларни ўрганиш каби замонавий йўналишларда билим ва кўникмаларни эгаллайди. Энг муҳими, ҳар бир ёш ўз стартап гоясини амалга ошириши, янги иш ўринларини яратиши ва мамлакатимизнинг рақамли иқтисодиёти ривожига ҳисса қўиши имкониятига эга бўлади. Шаҳарчада 1000 ўринли амфитеатр ҳам барпо этилган бўлиб, бу саҳнада ёшлар ижодий салоҳиятини намоён этади. Миллий анъаналар ва замонавий санъат уйғунлашган саҳна асарлари талқин этилади. Спорт соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ёпиқ спорт мажмуаси ҳамда очиқ спорт майдончалари ёшлар учун соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қиладди. Очиқ майдончаларда футбол, волейбол, баскетбол, кураш, воркаут, теннис каби спорт турлари билан шуғуллиниш мумкин. Ёпиқ замонавий спорт комплекси 1000 нафар томошабинга мўлжалланган бўлиб, унда футзал, стол тенниси, кураш, шахмат ва шашка, бадий гимнастика каби 10 дан ортиқ спорт турлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Энг муҳими, ушбу мажмуада халқаро мусобақаларни ўтказиш имконияти мавжуд. Бу эса туман спортчиларининг келгусида туман ва халқаро майдонларда эришадиган ютуқларини янада ортишига хизмат қиладди.

▼ Жиззах вилояти Дўстлик туманида барпо этилган “Ёшлар шаҳарчаси”



▼ Йиғилиш жараёнидан лавҳалар.



Андижонликлар БСК фаолиятидан розими?



Андижон вилоятида кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизimini такомиллаштириш ҳамда коммунал хизматлар кўрсатишдаги самарадорликни ошириш юзасидан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан бошқарув сервис компаниялари (БСК) фаолияти қатъий таҳлил қилинди.

Соҳиббахон СУЛТОНОВА,

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси матбуот котиби.

Муҳокама марказида – фаолияти фақат мажбурий бадал йиғишдан иборат бўлиб қолган аммо амалда аҳолига сифатли хизмат кўрсатмаётган айрим компаниялар бўлди. Шунингдек, муҳандислик тармоқларининг техник ҳолати ва лифтлар хавфсизлигини таъминлашда йўл қўйилаётган сусткашликлар, аҳоли мурожаатлари билан ишлашдаги муам-



молар, бошқарув компаниялари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилмаслиги каби бир қатор масалалар ҳақида фикр юритилди.

Шу билан бирга, мутахассислар томонидан соҳанинг келгуси уч йиллик ривожланиш стратегияси ҳам белгилаб олинди. Жумладан, ҳозирда вилоятда 2026-2028 йилларга мўлжалланган кўп қаватли уйларни жорий ва мукаммал таъмирлаш бўйича 3 йиллик манзилли дастур шакллантирилмоқда. Бу дастур маблагларнинг мақсадли сарфланиши ва таъмирлаш ишларининг навбатма-навбат, тизимли равишда амалга оширилишини кафолатлайди.

Бундан ташқари, жорий йилда соҳада инсон омилини камайтириш ва коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида барча кўп қаватли уйларни "Турар жой" маълумотлар автоматлаштирилган тизими (МАТ) платформасига интеграция қилиш ишлари ҳам жадал-

лаштирилади. Ҳар бир уйнинг техник ҳолати ва бажарилган ишлар ҳисоботи рақамли шаклда юритилади. Аҳоли томонидан тўланаётган бадалларнинг қаерга ва қандай сарфланаётганини кузатиш имконияти яратилади. Мурожаатларнинг бевосита тизим орқали назоратга олиниши эса "масъулиятсиз ижрочи" муаммосига барҳам беради.

Яқунда барча бошқарув сервис компаниялари раҳбарлари қатъий огоҳлантириш берилиб, хизмат кўрсатиш сифати – компаниялар фаолиятини баҳолашдаги энг асосий мезон бўлиши таъкидланди. Белгиланган вазифалар ижроси вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ва ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан доимий назоратга олинади. Мақсад битта – андижонликларни замонавий, хавфсиз ва қулай уй-жойлар ҳамда яшаш шароитлари билан таъминлашдир.

Сирдарё вилоятидаги Иссиқлик манбаи корхонасининг бир неча йиллар аввал фаолияти тугатилганиги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи фуқароларга қийинчилик туғдираётган эди. Бугунги кунда Гулистон ва Янгиер шаҳарларида янги иссиқлик қозонхоналари қурилиб, аҳолига бир маромда иссиқлик етказиб берилаётгани натижасида ушбу муаммо барҳам топди.



Хонадони иссиқ халқ – хотиржам яшайди

Бехзод АХМАДКУЛОВ,

"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

– Президентимизнинг 2022 йил 30 декабрдаги 465-сонли қарори асосида Гулистон шаҳридаги "Бўстон" МФИда барпо этилган РК1 ва РК-2 иссиқлик қозонхоналари ҳудуддаги мавжуд 52 та кўп қаватли уйнинг 2 409 та хонадони ва 4 та ижтимоий соҳа объектини куз-қиш мавсумида иссиқлик ҳамда узлуксиз иссиқ сув билан таминламоқда, – деди Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Асомиддин Аннакулов. – Шунингдек, 2,8 километр масофага тортилган янги тармоқ ҳам қозонхона фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

– Айни пайтда "Янги Ўзбекистон" массивидаги кўп қаватли уйларни иссиқлик билан таъминлаш мақсадида Боёвут туманидаги "Янги авлод" МФИ ҳудудида ҳам Иссиқлик қозонхонаси барпо этилди, – деди Сирдарё вилояти "Иссиқлик манбаи" МЧЖ раҳбари Абдор Рўзиев. – Биринчи босқичда 19 та кўп қаватли уйдаги 1 408 та хонадонни иссиқлик билан таъминлаш учун альтернатив сояярқа ёқилғисига мослаштирилган ҳамда энергия тежамкор, автоматлаштирилган технология асосида битта марказлашган қозонхона қуриб битказилган. 3,6 километр иссиқлик тармоқлари тўлиқ тортилган. Бундан ташқари, Гулистон шаҳри "Истиқлол" МФИдаги 20 та кўп қаватли уйни иссиқлик билан таъминлаш мақсадида "Ягона буюртмачи хизмати" ДУК томонидан хонадонларга ички тармоқ тортиш ишлари амалга оширилмоқда. Яқин кунларда аҳолига иссиқлик етказиб бериш ишлари бошлаб юборилади.



“Экошаҳар” ҳудудида Корея инвестиция лойиҳаси

Сардорхон СОДИҚҲОНОВ,

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси етакчи мутахассиси, архитектор.

Ушбу лойиҳа бўйича қелишувларга вилоят делегациясининг Жанубий Кореяга амалий таширифи давомида эришилган бўлиб, бу ўзаро ишонч ва самарали мулоқотнинг натижаси сифатида баҳоланмоқда.

Янги ишлаб чиқариш корхонаси Фарғона вилоятида электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, "саноат ипотекаси" механизми асосида ташкил этилган технопарк ҳудудида, 4 гектар майдонда

Фарғона шаҳрида барпо этилган "Янги Ўзбекистон" массиви таркибидаги замонавий "Экошаҳар" ҳудудида Жанубий Кореянинг нуфузли "АНА Со., Ltd" компанияси томонидан умумий қиймати 20 миллион АҚШ доллари бўлган янги ишлаб чиқариш корхонаси қурилишига старт берилди.

барпо этилмоқда. Лойиҳа доирасида интерактив электрон доскалар, электромобиллар учун замонавий ва экологик хавфсиз зарядловчи қурилмалар, шунингдек, юқори аниқликка эга тиббий жиҳозлар ва бошқа юқори қўшилган қийматли инновацион маҳсулотлар маҳаллийлаштирилган ҳолда ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Энг муҳими, корхона тўлиқ ишга туширилиши натижасида 150 та янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳанинг "яшил технологиялар" ва энергия самарадорлиги тамойиллари асосида амалга оширилиши "Экошаҳар" концепциясига тўлиқ уйғун бўлиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш ва келажак авлод олдидаги масъулиятни янада мустаҳкамлайди.

Транспорт ва логистика соҳасида янги қадам

Бухоро вилоятида халқаро иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган навбатдаги муҳим учрашув бўлиб ўтди. Хитой Халқ Республикасининг "Guangzhou public transport group" компанияси делегациясининг таширифи вилоятнинг инвестициявий салоҳиятига бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Зулфизар МАВЛОНОВА,

"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Ушбу кўп тармоқли компания жамоат транспортини бошқариш, замонавий логистика тизимлари, "ақлли" транспорт инфратузилмаси, муқобил энергия манбалари ҳамда сервис хизматлари йўналишларида фаолият олиб бормоқда. Ҳозирги кунда компания таркибидаги юздан орттиқ шўъба корхонасида ўн минглаб мутахассис меҳнат қилмоқда.

Бухородаги учрашувлар икки томонлама

манфаатли ҳамкорлик учун мустаҳкам замин яратиб, унда транспорт соҳасида ўзаро шерикликни йўлга қўйиш, логистика инфратузилмасини ривожлантириш, электромобиллар учун қувватлаш тармоқларини барпо этиш, шаҳар жамоат транспорти сифатини ошириш ва рақамли ечимларни жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

– Ўзбекистон, хусусан, Бухоро вилояти бизда катта қизиқиш уйғотмоқда, – деди компания бош директори ўринбосари Лиу Вей. – Бу ерда инвестиция учун очик ва барқарор муҳит шаклланган. Транспорт ва логистика соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, маҳаллий ҳокимиятларнинг очик мулоқотга тайёрилиги биз учун муҳим омил ҳисобланади. Ишончим комилки, ўзаро ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам самарали бўлади.

Хитойлик ишбилармоннинг таъкидлашича, яқин ойларда техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган аниқ лойиҳалар устида иш бошланиши режалаштириляпти. Мазкур ташириф Бухоро вилоятида транспорт ва логистика соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, замонавий технологиялар ва хорижий тажрибани жорий этиш йўлида муҳим қадам сифатида баҳоланмоқда.

Лоқайдлигимиз қимматга тушмайдимиз?

Фозилбек ҲАЙИТОВ,

Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.



Бугунги кунда Навоий вилояти аҳолисининг 85,7 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган бўлса, 14,3 фоиз аҳолининг ичимлик сув таъминоти альтернатив манбалар ҳиссасига тўғри келади. Ичимлик суви инсон организми учун энг зарур ва табиий ресурс ҳисобланади. Афсуски, тоза ичимлик сувнинг беҳуда сарфланаётганини ҳар қадамда кўрамыз ёки эшитамиз. Аммо бунга жиддий эътибор бермамыиз ва "менга нима" қабилида иш тутамиз. Бироқ бу лоқайдлигимиз эртага қимматга тушмайдимиз?

Ичимлик суви таъминотидаги ҳуқуқбузарликлар

Ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан 2025 йил давомида аниқланган ҳолатлар бўйича 493 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан 1 миллиард 246 миллион сўм маъмурий жарима расмийлаштирилиб, 125,8 миллион сўмлик зарар аниқланган.

Шундан, 407 та ичимлик сув тармоқларига ноқонуний уланма, 86 та ҳолатда сувнинг дастлабки ҳисобини юритиш қоидалари бузилгани аниқланди. Ўтказилган ўрганиш натижалари бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда 30 та, 5 миллиард 614 миллион сўмлик ишлар аниқланди.

Сифат – бош масала

Ўтган йилда истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик сувининг сифати бўйича 2176 та таҳлил ўтказилган бўлиб, барчаси белгиланган санитария нормалари ва норматив ҳужжатларнинг 28 тасида белгиланган санитария нормалари талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Шунингдек, аҳоли хонадонлари билан шартномавий муносабатларни йўлга қўйиш бўйича 98 та маҳалла фуқаролар йиғинида 457 нафар истеъмолчи билан шартнома расмийлаштирилиб, 1987 нафар аҳоли қамраб олинди. Ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш бўйича 647 та бюджет ташкилотига ўт-

▼ Инспекция ходимлари ўрганиш жараёнида.



казилган ўрганишларда эса 118 турдаги камчилик аниқланди. Мазкур ҳолатлар бўйича 64 та 111,0 миллион сўм маъмурий жарималар қўлланилди.

Тарғибот тадбирлари ўтказилди

Яқунланган йил мобайнида инспекция томонидан юқорида қайд этилган ҳолатларни аҳолига етказиш ва қайта такрорланмаслиги бўйича 313 та тарғибот тадбири олиб борилди.

Бу борада фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларида 95, ижтимоий соҳа объектларида 98 марта "Сувни биргаликда асрайлик" мавзусида ташкил этилган тарғибот тадбирларининг ҳам самараси катта. Қолаверса, маҳаллалар уюشمаси ўртасида тасдиқланган ҳамкорлик "Меморандуми" ва режа-графика асосан, вилоят ҳудудидаги 280 та МФИда ўрганиш ишлари олиб борилди.

Камчиликлар бартараф этилмоқда

"Навоий сув таъминоти" АЖ туман ва шаҳар бўлимлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга берилган 386 та техник шартлар ўрганилиб, 99 та камчилик аниқланди.

Шунингдек, туман ва шаҳар ичимлик суви бўлимлари тасарруфидаги 243 та ер ости сув қудуги ўрганилганда 112 та камчилик маълум бўлди. "Навоий сув таъминоти" АЖга камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар киритилди. Аниқланган 269 та авария ҳолатларини ҳам зудлик билан бартараф этиш бўйича шаҳар ва туман ичимлик суви бўлимларида 269 та ёзма равишда кўрсатма хатлари чиқарилди.

Хулоса қилиб айтганда, сувдан оқилона фойдаланиш, уни кўз қорачиғидек сақлаш давр алақачон етди. Бутун инсоният ҳаёт-мамонт масаласи бўлган сувни асраш масаласи ҳар бир ҳудудда аҳоли онгига сингдирилмас экан, сув етишмовчилиги ҳеч кимни аяб ўтирмайди.

